

"КЕЛИШИЛДИ"

Хоразм вилояти қурилиш бош
бошқармаси бошлиғи



 Б.Каримов

" " _____ 2021й.

"ТАСДИҚЛАЙМАН"

Хоразм вилояти ҳокимининг
ўринбосари



 Б.Курбанов

" " _____ 2021й.

"КЕЛИШИЛДИ"

Давлат тест марказининг
Хоразм вилояти бўлим
бошлиғи



 Б.Якубов

" " _____ 2021й.

"КЕЛИШИЛДИ"

Хоразм вилояти ҳокимлигининг
“Ягона буюртмачи хизмати”
инжиниринг компанияси
раҳбари



 К.Рахимов

" " _____ 2021й.

ЛОЙИХА ТОПШИРИҒИ

Хоразм вилояти Урганч тумани “Юқоридўрман” қишлоғи
“Юқоривул” МФЙ ҳудудида “Тест синовларини ўтказишга
мўлжалланган 1000 ўринли бино ва иншоотлар” қурилиши

Урганч ш. - 2021й.

№	Асосий маълумотлар ва талаблар	Асосий маълумотлар ва талабларнинг мазмуни
1	Объектнинг номи.	Давлат тест марказининг Хоразм вилояти бўлими учун “Тест синовларини ўтказишга мўлжалланган 1000 ўринли бино ва иншоотлар” қурилиши.
2	Объект жойлашган ўрни.	Урганч тумани “Юқоридўрман” қишлоғи “Юқориовул” МФЙ ҳудуди (48-сонли умумтаълим ҳудудидан ажратиб берилган 2 га ер майдонида жойлашган)
3	Ишлаб чиқиш учун асослар	Хоразм вилояти қурилиш бош бошқармаси томонидан 2021 йил 01 декабрда берилган №388-21/А-сон АРТ, Урганч тумани ҳокимининг 08.06.2020 йилдаги №1595қ-сон қарори
4	Буюртмачи	Хоразм вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси
5	Бош лойихачи	Танлов савдолари (тендер) орқали аниқланади
6	Пудрат ташкилоти	Танлов савдолари (тендер) орқали аниқланади
7	Қурилиш муддати (йил)	Шартнома шартларига мувофиқ
8	Лойиҳалаш босқичи	Бир босқичдан иборат
9	Қурилиш тури	Янги қурилиш
10	Молиялаштириш манбаи	Асосий бино (тест синовлари ўтказишга мўлжалланган катта сиғимли зал (павильон) маъмурий биноси билан) Давлат тест маркази фаолиятини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳамда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилиши режалаштирилган.
11	Бошланғич нархи	Дастлабки ҳисоб китобларга кўра 18 млрд. сум ДТМ маблағлари ва 5 млрд. сум маҳаллий бюджет маблағлари. Умумий қиймати 23 млрд. сум. Экспертиза хулосаси олинганидан кейин аниқлик киритилади.
12	Объектнинг мақсади ва асосий кўрсаткичлари (умумий майдони, имкониятлари, ўлчамлари ва бошқалар).	<p>Буюртмачи талабига ва Ўзбекистон Республикаси ВМ ҳузуридаги ДТМ тавсиясига мувофиқ бюджет маблағлари чиқимини ва қурилиш монтаж ишлари турини камайтириш мақсадида, ўрнатилган тартиб бўйича экспертизадан ўтган, ДТМнинг Қорақоғистон Республикаси, Бухоро, Наманган, Андижон, Сирдарё, Самарканд вилоятлари бўлимларида қўлланилган лойиҳалардан қайта фойдаланиб боғлаб кетилсин.</p> <p>Қуйидаги бинолар ва иншоотлар қурилишини <u>ДТМ фаолиятини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бюджет ҳисобидан молиялаштириш режалаштирилган.</u></p> <p>1. Асосий бино – тест синовлари ўтказишга мўлжалланган катта сиғимли зал (павильон) ва маъмурий қисмидан иборат)</p> <p>Бино тўғри тўртбурчак шаклда, тархда 114x30 м габарит ўлчамларга эга, жумладан, павильон 100x30 м бир қаватли, қават баландлиги конструкция остигача бўлган масофа 7м, маъмурий бино 18x30м 2 қаватли, 1-қават баландлиги полдан ораёпма конструкцияси остигача 3,3 м, 2-қават баландлиги полдан томёпма конструкцияси остигача 3.3 м.</p> <p>Тест синовлари ўтказиш биноси: юк кўтарувчи конструкция – бир оралиқли пўлатли рама, оралиқ 30 м, рама қадами -6 м.</p> <p>Маъмурий бино: кўп оралиқли, 2-қаватли, сейсмик таъсирларни қабул қилувчи армосеткали ғиштли тўлдирувчи, бўйлама ва кўндаланг йўналишларда ишловчи қуйма темир-бетон рамали конструкция. Ораёпма ва томёпма йиғма темир-бетон кўп бўшлиқли плита, том тўшама ости конструкцияси пўлат конструкциясидан.</p> <p>Пардеворлар – минерал жун тўлдирилган конструкция бўйлаб</p>

2- қатламли гипсокартон плиталари.

Маъмурий бинонинг 1-қаватида қуйидагихоналарни лойиҳалаштириш:

- мажлислар хонаси (75 м2)
- тиббий ёрдам бериш маскани (16 м2);
- раҳбар хонаси қабулхона билан (34 + 18 м2);
- ходимлар хоналари (2 дона 18 м2);
- кафетерий идиш-ювиш хонаси билан (72 м2);
- ҳожатхоналар (КМКга кўра);
- CCTV назорат, электрик, АВР, сервер ва бошқа хоналар техник шартларга кўра

2- қаватида қуйидаги хоналарни лойиҳалаштириш:

- компьютер заллари (2 та 60 м2);
- лингофон хоналари (2 та 60 м2);
- ходимлар хоналари (4 та 18 ва 35 м2);
- холл (43 м2)

Эвакуация зинапоялари лойиҳада ҳисобга олиниши керак.

Ташқи ўровчи конструкциялар – базальт толали тўлдирувчи Z-Lock кулфлаш боғламаси асосли қалинлиги 120 ммли осма горизонтал сандвич девор панеллари, шунингдек, витраж фасад тизимлари. Парапет ва бино кириш қопламаси ёнмайдиган алюмин композит панеллардан қоплансин.

Томқоплама – металл прогон бўйлаб базальт толали тўлдирувчи Z-Lock кулфлаш боғламаси асосли қалинлиги 120 ммли томёпма сандвич панеллари.

Витражлар – алюминий профилли, 2 қатламли ойна, ташқи ойна қалинлиги 6 ммли ва ички ойна қалинлиги 4 ммли оддий ойнадан.

Маъмурий бино пардеворлари – минерал жун тўлдирилган конструкция бўйлаб 2 қатламли гипсокартон плиталари, намлик юзага келадиган хоналарда намга чидамли гипсокартон плиталарини қўллаш.

Маъмурий бино шифти – шпатлёвка, сўнгра сувэмульсия бўёқлари билан бўяш.

Маъмурий бино поли – маҳаллий ишлаб чиқарувчидан керамик плиткали, бетон ва ламинат пол.

Тест ўтказиш зал поли – бетон пол, сўнгра бетон юзасини силлиқлаш ва кўчишга қарши йўл буёқ билан бўяш.

Шунингдек, тест биносининг ён қисмида ўқлар бўйича габарит ўлчамлари 12х3 м, полдан шифтгача бўлган баландлиги 3.0 м бўлган ногиронлар учун мўлжалланган хонаси билан 8 кишига мўлжалланган ҳожатхона кўзда тутилсин.

Бино бўйлаб маҳаллий ишлаб чиқарувчидан 2-қатли витраж тизимидан фойдаланилсин. Маҳаллий ишлаб чиқарувчининг имкониятларидан келиб чиқиб пардозлаш материалларидан фойдаланилсин.

Лойиҳалашда тест синовларини “online” тизимга ўтиш имкониятини таъминлаш учун бинони тўла компьютерлаштиришни назарда тутиш зарур.

Ички пардозлаш ишлари:

гипсокартон плита қопламали деворлар чокларини ёпиш, сўнгра сувэмульсияли бўёқ билан бўяш;

ғиштли деворлар юзаларини сувоқ қилиш ва текислаш, сўнгра

сувэмульсияли бўёқ билан бўяш;
шифт осма, гипсокартон плиталари чокларини ёпиш, сўнгра сувэмульсия бўёқлари билан бўяш;
тест синовлари ўтказиладиган бино деворлари ва шифтини ҳамда бино каркасининг металл конструкцияларига очиқ ҳолатда ўрнатилган ҳаво каналлари, кувурлар ва лойиҳадаги муҳандислик тармоқлари ва жиҳозларини бир хил рангли ва ёрқин рангга бўяш.
Бинонинг муҳандислик таъминоти (ҳавони тортиш, тозалаш, иситиш, шамоллатиш, кондиционер тизими ва бошқалар) учун замонавий жиҳозлардан фойдаланилсин.

2. Назорат кириш пункти:

1-қаватли, тўғри тўртбурчак шаклда, тархда ўқлар бўйича 12х6 м ўлчамдаги бино ҳамда юк кўтарувчи қисми металлоконструкцияли 8.6х2.2 м ўлчамдаги соябондан ташкил топган;

парапет ва соябон қопламаси ёнмайдиган алюмин композит панеллардан қопланади;

қават баландлиги 3.0 м;

конструктив схемаси - каркасли;

пойдевор - қуйма темир-бетон;

девор - М50 қоришмали М75 маркали пишиқ ғиштли, қалинлиги 380 мм;

пардеворлар - қоришмали пишиқ ғиштли, қалинлиги 120 ммдан;

томёпма – металл ферма ва панжара бўйлаб профнастил.

Ички пардозлаш ишлари:

шифт - осма шифт, минерал жунли плита иссиқ сақловчи изоляция билан тўлдирилган каркас гипсокартон плиталари, сўнгра сувэмульсия бўёқлари билан бўяш;

деворлар - юқори сифатли сувоқ, сўнгра сувэмульсия бўёқлари билан бўяш;

пол - маҳаллий ишлаб чиқарувчидан керамик плиткалардан коплама.

Киришларда турникетлар ўрнатилишини назарда тутиш зарур.

Ташқи пардозлаш ишлари:

цоколь - маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан керамогранит плиткалардан;

ташқи девор - ғишт устини текислаш яхшиланган сувоқи билан, сўнгра “сувоқ травертин” фасад бўёқ билан бўяш;

ташқи зина - бетон, маҳаллий ишлаб чиқарувчидан керамогранит плитка билан қолаш;

парапет ва соябон қопламаси - ёнмайдиган алюмин композит панеллар;

ташқи девор - кучайтирилган текислаш ишлари, сўнгра шпатлёвкалаш ва фасад бўёқ билан бўяш;

ташқи зина - бетон, маҳаллий ишлаб чиқарувчидан керамогранит плитка билан қолаш.

парапет қопламаси – ёнмайдиган алюмин композит панеллар.

		<p>Куйидаги бино ва иншоотлар қурилишини маҳаллий бюджет ҳисобидан молиялаштириш режалаштирилган:</p> <p>1. Ота-оналар кутиш жойи (соябонлар) – 2 дона: металл каркаسدан ташкил топган, тарҳда ўқлар бўйича ўлчами 10x30 м, полдан конструкция остигача баландлиги 4.2 м; пойдевор – куйма темир-бетон; устунлар – металл профил қувурдан; томёпма – металл ферма ва боғламалар; том тўшама – нишабли қалинлиги 0.5 ммли профнастилдан пол – бетон</p> <p>2. Трансформатор: Техник шартларга мувофиқ, истеъмол қилиш қувватининг зарурияти асосида, захира линияни ҳисобга олгани билан, трансформаторлар ва АВР лар билан таъминланиши зарур</p> <p>4. Ташқи инженер тармоқлари: сув, оқава сув (КМК 2.04.02-19, КМК 2.04.03-97), электр, тармоқлари АРТ-2, тегишли, КМК ва техник шартлар асосида таъминланади.</p> <p>5. Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш: КМК 3.01.05-99 асосида, ҳудуднинг ер ва иқлимий шароитларини инобатга олган ҳолда таъминланиши зарур. Автотураргоҳ ҳамда суғориш учун суу тармоқлари билан таъминлош зарур.</p> <p>6. Шунингдек, ҳудуд атрофи баландлиги 2.0 м ва 1.8 м бўлган металл тўсиқлар билан ўраш ва автотураргоҳ кўзда тутилсин.</p>
13	“Ер участкасини режалаштиришни ташкил этиш схемаси” бўлимига талаб	Мавжуд меъёрий қоидалар асосида.
14	Конструктив ечимларга, юк кўтарувчи ва тўсувчи конструкциялари материаллари, оловбардошлик даражасига қўйиладиган талаблар.	ҚМК талабларига мувофиқ қабул қилинсин.
15	Объектни ресурс билан таъминлаш	ҚМК талабларига мувофиқ қабул қилинсин.
16	Мухандислик тармоқлари ва мухандислик тизимларига қўйиладиган талаблар.	ҚМК талабларига мувофиқ қабул қилинсин. Ички мухандислик тармоқлари ва тизимлари амалдаги АРТ-2 ва техник шартларга мувофиқ бажарилиши керак.
17	Махсус шартлар	Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишда ҳажмий-режавий ечимлари, конструкция элементлари, пардозлаш материаллари, мухандислик жиҳозлари тизимлари бюджет маблағларидан мақбул вариантда ва оқилона фойдаланишга асосланган ҳолда танлансин. Лойиҳачи экспертиза давомида лойиҳа ечимларини химоя қилишни таъминлайди. ДТМнинг Қорақолпоғистон ва бошка вилоятлари бўлимлар бинолари учун ишлаб чиқилган лойиҳаларида қабул қилинган лойиҳавий ечимлар асосида маъмурий бино конструкцияларини маҳаллий хомашёлардан фойдаланган ҳолда ўзгартириб мақбул ечимлар қабул қилинишга руҳсат берилади.
18	Зарур ҳолатлардаги бўйича кўрсатмалар: -технологик қисми ишлаб	Лойиҳалаш ташкилоти барча манфаатдор ташкилотлар, шу жумладан буюртмачи билан лойиҳа ҳужжатларини келишиб олиши керак.

	чиқиш -ҚТЭ ни ишлаб чиқиш -танлов асосида бир нечавариантда алоҳида лойиҳавий ечимларни ишлаб чиқиш -лойиҳавий ечимларни манфаатдор ташкилотлар билан олдиндан келишиш Хона интерьер чизмаларини ишлаб чиқиш	
19	Худудни ободонлаштиришга қўйилган талаблар	ШНҚ 2.07.01-03* талабларига мувофиқ бажарилсин.
20	Фавкулотда вазиятларнинг олдини олиш бўйича чора- тадбирларни ишлаб чиқиш зарурияти.	Талаб этилмайди.
21	Ногиронларни яшаш шароитларини таъминлашга қўйиладиган талаблар.	Ногиронлар учун пандус ва санузел кўзда тутилсин.
22	Буюртмачига топшириладиган хужжатлар миқдори.	ШНҚ 1.03.01-08 и 2.9 «Биолар ва иншоотларнинг капитал қурилишининг таркиби, ишлаб чиқиш тартиби, лойиҳа хужжатларини келишиш ва тасдиқлаш». – Ишчи проект – 3 нусхада. Ҳисобланган хужжатлар 1 нусхада, объект учун зарур бўлган ресурсларнинг қисқача варағи билан, электрон версияси (диск) билан.

Буюртмачи:

Хоразм вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги

“Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг
компанияси директори уринбосари



Б.Сапаев

Хоразм вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги

“Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг
компанияси лойиҳа бўлими бўлиғи



И.Тоиров

Давлат тест марказининг

Хоразм вилояти бўлими
бош мутахассиси



Ф.Эшчанов